

## **МАЪЛУМОТНОМА**

**2019 йилнинг 13-14 июн кунлари Ўзбекистон Республикаси Олий суди ташаббуси билан “Тараққиёт стратегияси” маркази, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республики Миллий маркази, БМТ Тараққиёт Дастирининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси, ЕХХТ Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси, ЕХХТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалари Координаториофиси, ҳалқаро ривожланиш бўйича АҚШ агентлиги ва Германия ҳалқаро-ҳуқуқий ҳамкорлик фонди (IRZ) ҳамкорлигига “Ўзбекистон Республикасида маъмурий судларда иш юритилиши: замонавий ҳолати ва ривожланиш истиқболлари” мавзусида ҳалқаро конференция бўлиб ўтди.**

Конференцияда Олий суд судьялари, қуи суднинг маъмурий ишлар бўйича судьялари, Олий Мажлис қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенат аъзолар, Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ, “Тараққиёт стратегияси” Маркази вакиллар, Адвокатлар палатаси, Германия, Франция, АҚШ, Россия Австрия, Арманистон, Беларусь Республикаси, Қозогистон, Украина, Тоҷикистон ва Туркманистон каби қатор давлатлардан ташриф буюрган судьялар ва эксперталар иштирок этишди.

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 2019 йил 25 май кунги 01/X-559-19-сонли хатига асосан Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридги Судьялар олий мактабидан мазкур конференцияда мактабнинг Ўқув-методик бўлими бошлиғи Самархўжаев Ботир Билолович, мактабнинг Суд амалиёти муаммоларини ўрганиш маркази етакчи мутахассиси Холиқов Ўтқир Украмович ҳамда Маматов Акмалжон Ботировичлар иштирок этдилар.

**Мактаб вакиллари томонидан мазкур конференцияда Ўзбекистон Республикасида маъмурий судларда иш юритилишини ривожланиши борасида маъмурий суд судьяларини ихтисослаштириб, оммавий ҳуқуқий муносабатлар билан боғлиқ бўлган ишларни ва маъмурий ҳуқуқбузарлик билан боғлиқ ишларни бошқа-бошқа судлар томонидан кўрилиши ва маъмурий суд судьяларни малакаларини ўзига хос усулда ошириш ҳақида берган таклифлари конференция сўнгига бошқа таклифлар қатори ижобий баҳоланди.**

Олий мактабнинг Суд амалиёти  
муаммоларини ўрганиш маркази  
етакчи мутахассиси:

А.Б.Маматов